
Академик лицейларда жорий йил 15 октябрдан анъанавий дарслар бошланади

Жорий йил 15 октябрдан олий таълим муассасалари тасарруфидаги **академик лицейларда** 2020-2021 ўқув йили анъанавий тарзда бошланади.

Бу ҳақда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).

Бунда СанПиН талаблари бажарилган тақдирда ва ота-оналар ҳамда депутатлардан ижобий хулоса берилгандан сўнг академик лицейларда ўқув жараёнини бошлашга тайёрлиги ҳақида **ҳудудий ишчи гуруҳларнинг хулосаси** олинади.

Янги ўқув йилини анъанавий тарзда бошлашга тайёр бўлган академик лицейларда ўқув жараёнини бошлаш масаласи **туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши** муҳокамасидан ўтказилади.

Шунингдек, ўқув жараёнларини бошлаш муддати ва шаклини белгилаш мақсадида ота-оналарнинг фикрини ўрганиш бўйича **сўровномалар ўтказилади**.

Таълим муассасасига ўқувчиларнинг анъанавий тарзда келиб ўқишлари **мажбурий ҳисобланмайди**.

Карантин талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларида **ўқувчилар турар жойлари** ҳамда **ошхона/буфетлар** фаолият юритмайди.

2020-10-13 10:12:06